

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

(Асфальт қопламасини жорий таъмираш ишларини бажарии ҳақида)

2022 й. «22» 7

52-11-168-ОВ/2022-
сон

Марғилон ш.

Марғилон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи номидан бошқарма бошлиғи И.Ниязов бир томондан, "ДЕКОРАТИВ STORY TORG" МЧЖ бундан буён матнда «Пудратчи» деб аталувчи номидан раҳбари О.Тиллаходжаев иккинчи томондан ушбу пудрат шартномасини қўйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. «Пудратчи» ушбу шартнома шартларига мувофик тегишли тартибда Марғилон шаҳар, Наврӯз МФЙ ҳудудидаги Қиртаги-5 тор қўчасини асфальт қопламасини жорий таъмираш ишларини смета экспертиза ҳужатларига асосан бажарив беради. «Буюртмачи» бажарилган ишларни қабул килиб олиб, «Пудратчи»га шартномада белгиланган суммада ҳак тулайди.

II. БАЖАРИЛАДИГАН ИШНИНГ БАХОСИ.

2.1. Бажариладиган ишларнинг баҳоси 146100000 (Бир юз қирқ олти миллион бир юз минг) сўмни ташкил этади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ.

3.1. «Буюртмачи» бажариладиган иш учун олдинган 30 фоиз миқдорида аванс тўловини шартнома имзоланган кундан сўнг 3(уч) кун ҳамда тўлик ҳисоб-китобни шартнома бўйича иш бажарилиб, белгиланган тартибда қабул қилинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичida амалга оширади.

3.2. Бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ПУДРАТЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. «Пудратчи» ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажариш учун қўйидаги мажбуриятларини олади:

ўзининг ва (ёки) жалб этилган куч ёрдамида ушбу шартномада назарда тутилган ишни белгиланган ҳажм ва муддатда, тасдикланган иш графигига асосан бажариш ҳамда «Буюртмачи» га топшириш;

ёрдамчи-пудратчилар билан тузилаётган шартномалар ҳақида «Буюртмачи»ни огоҳлантириш;

ишни бажариш вактида техника хавфсизлиги, атроф-мухитни, экин ва ер участкаларини муҳофаза билан боғлиқ тадбирларни амал ошириш;

курилиш таваккалини сугурта қилиш;

ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш;

4.2. «Пудратчи» ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган ишни ўз кучи ва (ёки) жалб этилган кучлар ёрдамида сифатли бажармаганлиги, шунингдек, ишни белгиланган ҳажмда ва ўз мудатида бажармаганлиги учун «Буюртмачи» олдида мулкий жавобгар ҳисобланади.

V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. «Буюртмачи» ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига қўйидаги мажбуриятларини олади:

белгиланган тартибга асосан ишни бажариш учун «Пудратчи» га 30 % миқдорида аванс беради ва жорий молиялаштириш ишларини амалга оширади;

«Пудратчи» томонидан ишни бажариш жараёни, ишни бажаришда шартнома шартлари ва бошқа келишувларга риоя қилинаётганлиги устидан назорат олиб боради, туталланган ишни қабул қилиб олинишини таъминлайди;

10 кунлик муддат ичida «Пудратчи» нинг мурожаатларини кўриб чикади ва расмийлаштиради; ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кунлик муддат ичida ишни қабул қилиб олиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари руйхатини «Пудратчи» га

такдим этади;

ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тұлық хажмда бажариш.

VII. ИШНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ.

6.1. Ушбу шартнома хуқукий экспетизадан үтказилиб, иккала томон имзолаган пайтдан бошлаб ва ғазначилик бұлымидан рўйхатдан үтгандан сўнг кучга киради.

6.2. «Пудратчи» ушбу шартнома иккала томон тарафидан имзоланган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида тасдиқланган иш графигига асосан ишни бажаришга киришади.

6.3. Ишни топшириш муддати: 29.07.2022 й.

6.4. Ушбу шартнома буйича иш белгиланган тартибда тасдиқланган иш графигига асосан бажарилади.

VII. ИШНИ БАЖАРИШ.

7.1. «Пудратчи» ушбу шартнома бўйича ишни бажаришни ташкил этишни лойиха-смета хужжатлари, ишни бажариш графигига мувофиқ мустақил белгилайди.

7.2. «Пудратчи» ишни бажариш тартибини давлат архитектура назорати органлари билан келишади ҳамда ушбу тартибга сўзсиз риоя килинишини таъминлайди.

7.3. Бажарилаётган ишларнинг ҳаафсизлиги учун «Пудратчи» жавобгар бўлади.

7.4. Ишни бажариш муддатига коммуникацияларга вактинча уланиш ва бунинг учун ҳисоб-китоб қилиш «Пудратчи» томонидан амалга оширилади.

7.5.«Пудратчи» ишни бажариш учун ўзи томонидан ишлатаётган материалларнинг тегишли тартибда сифатлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

7.6. Ишнинг сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун «Пудратчи» Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликига асосан «Буюртмачи» олдида жавобгар ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

8.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари маҳсус комиссия томонидан кабул килингандан бошлаб 6 ойгача ҳакни тўлаб бермаса, кечикирилган ҳар бир кун учун 0,4% пеня тулайди.

8.2. Пудратчи шартнома шартларини бузган тақдирда, белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса, кечикирилган ҳар бир кун учун 0,5 % пеня тулайди.

8.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим.

IX. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР.

9.1. Шартнома тузилгандан сўнг табиий оғатлар (ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин, эпидемия), уруш, хукуматнинг норматив - хуқукий хужжати, томонларнинг хоҳишидан қаътий назар бажара олмайдиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда шартноманинг вазифалари бажарилмаса икки тараф ҳам жавобгар бўлмайди. Агар ушбу ҳолат 3 ой давомида бартараф этилмаса ва тугаши аниқланмаса тарафлардан бирининг тушаббуси билан 10 кун олдин ёзма хабар юбориш йўли билан шартномани бекор қилишлари мумкин.

X. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

10.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши қураш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

10.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хуқуқига эга ва мурожаатни олган

томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

10.3. Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш борасида:

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тұғрисидаги ахборотнинг шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлаш;

адолатли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш;

ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек давлат харидларини ўтказиш натижалари юзасидан шикоят қилиш ва низолашишнинг самарали тартиб-таомилини яратиш;

давлат электрон савдоларининг самарали ишленини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга оширади.

10.4. Мазкур шартнома томонлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ва хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ва бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар кандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

10.5. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тұхтатиб қўйиши мумкин.

XI. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

11.1. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «31» декабргача.

XII. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

12.1. Шартнома юзасидан келиб чиқсан низолар ўзаро ҳал қилинади. Агар ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.

12.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

12.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланиб ҳуқуқшунос томонидан тасдиқлангандан сўнг конуний деб ҳисобланади.

XIII. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«ПУДРАТЧИ»

ООО DEKORATIV STORY TORG

Манзил: Фарғона шаҳар

Тел/факс

X/P 20208000400713334001

ИНН 304573090

МФО 01128

Фарғона ш.

«INVESTFINANCEBANK» ХАТ

банкнинг Фарғона вил. фил.

Рахбар

О.Тиллаходжаев

«БУЮРТМАЧИ»

Марғилон шаҳар

ободонлаштириш бошқармаси

Адрес Марғилон ш., Мустакиллик 452A

x/p:100022860304127045201110014

ИНН 200138992

Молия вазирлиги Фазналилиги

X/P23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш. бош

боқармаси XKKM

МФО: 00014 СТИР: 201122919



И.Ниязов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN NORMALARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

2022-yil 21-iyul

Marg'ilon shahri

1. Loyihaning raqami: IK15632533.

2. Loyihaning turi: Shartnoma.

3. Loyihaning nomi: Asfal't qolamasini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish haqida.

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Loyiha, Marg'ilon shahar obodonlashtirish boshqarmasi (buyurtmachi) va "DEKORATIV STORY TORG" MChJ (pudratchi) tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 21-iyul kuni dasturga kiritilgan.

5. Loyiha yuzasidan huquqiy xulosa:

Marg'ilon shahar obodonlashtirish boshqarmasi (buyurtmachi) va "DEKORATIV STORY TORG" MChJ (pudratchi) o'rtaida tuzilayotgan asfal't qolamasini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish haqidagi shartnoma loyihasida (*summa: 146100000 so'm*) ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasining «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»gi Qonuni, Fuqarolik kodeksi va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 12-yanvardagi «Elektron onlayn-auksion va tanlovlarni tashkil etish hamda o'tkazish tartibini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha choratadbirlar to'g'risida»gi 18-son qarori bilan tartibga solinadi hamda shartnomada nazarda tutilgan taraflarning javobgarligi va nizolarni xal etish tartibi yuqorida zikr etilgan qonunchilik talablariga mos keladi. Qayd etilganlarni inobatga olib shartnomani tuzish maqsadga muvofiq.

**Marg'ilon shahar adliya bo'limi
YuXK markazi bosh yuriskonsulti,
2-darajali yurist**



A.A.Usmonov

ТАСДИҚЛАЙМАН

Маргилон шахар Ободонлаштириш
бошкармаси бензиги



И. Ниязов

“22” июл 2022 йил

Маргилон ш.

Маргилон шахар Ободонлаштириш бошкармаси томонидан “19” 07.2022 йил кунги лот № 22110012120417 билан Навруз МФЙ Киртаги 5-тор кучаси асфальт копламасини жорий таъмирла ишлари бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якунি бўйича йигилиш

БАЁНИ № 5

| | | |
|--------------|----------------|------------------------|
| Катнашдилар: | И. Ниязов | -Бошлиқ |
| | Л. Комилов | -Бош мухандис |
| | З. Каримова | -Бош хисобчи |
| | Х. Батиралиева | -Иктисодчи |
| | Х. Аминов | -Мухандис техник ходим |
| | М. Хайдарова | -Ашёлар хисобчиси |

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. ООО "ORIENT LIDER STROY"
2. «FAYZLI ALIMARDON» Х/К

Йигилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида мухокамада бўлган. Ушбу муддат ичida иштирокчи корхоналар томонидан хеч қандай эътиrozлар келиб тушмади. Юкоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган голиб иштирокчи ООО DEKORATIV STROY TORG билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳакидаги маълумотлар (йигилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш маҳсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.


Комиссия аъзолари

 З. Каримова

 Х. Батиралиева

 Х. Аминов

 М. Хайдарова

 Л. Комилов

Йигилиш котиби: